



Ўзбекистон Республикаси  
Судъялар олий кенгаши

# АХБОРОТНОМА

Кенгашнинг 2022 йилдаги фаолиятига оид



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судъялар олий кенгашининг**  
**2022 йилдаги фаолиятига оид**

**АХБОРОТНОМА**

Ахборотномада судъялар корпусини шакллантириш, судъялар дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари, судъяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, фуқаролар мурожаатларининг таҳлили, замонавий ахборот-технологияларни жорий этиш, судъялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари, суд фахрийларини рағбатлантириш, халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик, Кенгаш ташаббуси билан нашр этилган китоб ва қўлланмалар ҳамда ибрат мактабини яратиш билан боғлиқ қилинган ишлар жамланган.

**Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, очик, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.**

**Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# МУНДАРИЖА

Кириш.....	6
Судьялар корпусини шакллантириш .....	7
Судьялар дахлсизлигини таъминлаш .....	13
Суд тизимида коррупцияни олдини олиш чора-тадбирлари.....	14
Судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш .....	16
Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик .....	18
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил .....	20
Замонавий ахборот-технологияларни кенг жорий қилиниши .....	22
Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари .....	25
Суд фахрийси кўкрак нишони.....	30
Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик .....	33
Нашр этилган китоб, журнал, тўплам, қўлланма ва рисолалар .....	38
Ибрат мактаби .....	40

## КИРИШ

2022 йил нафақат Судьялар олий кенгаши фаолияти, балки суд тизимида алоҳида саҳифа очилган йил сифатида тарихда қолишига шубҳа йўқ. Чунки, давлат раҳбарининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020 йил, 7 декабрь) фармони ижроси тизимда катта бурилиш ясади. Шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида судьялик лавозимлариға муносиб кадрларни танлаш ва тайинлашнинг янги тартиби жорий этилди. Тайинловлар очиқ танлов ва муқобиллик, энг муҳими, ахборот технологиялари ни татбиқ этган ҳолда амалга оширилмоқда. Бунда инсон омили кескин чекланиб, танлов жараёни очиқ ва шаффоф тарзда ўтиши таъминламоқда.

Бундан ташқари судьялик лавозимиға номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур ҳам ишга туширилди.

Судьялар фаолиятини электрон рейтинг орқали шаффоф баҳолашга оид тартиб ҳам одил судлов самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, одил судловга аралашувлар бўйича аниқ чоралар кўриш борасида ҳам Кенгаш ваколатлари кенгайтирилгани ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Қайд этилган фармонга биноан одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, пенсияга чиққан судьялар учун «Суд фахрийси» қўкрак нишони жорий этилганди. Бугунги кунга қадар 107 фахрийларимиз бундай эътибордан хурсанд бўлгани барчамизга қувонч баҳш этади.

Тизимда коррупциянинг барвақт олдини олиш Кенгаш фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кенгаш ҳузурида ташкил этилган “Ўзбекистон судьялар клуби” ҳам ўтган бир йилда шаклланиш босқичидан ўтиб, фаолиятини кенг йўлга қўйиб улгурди.

Баён этилганлар Судьялар олий кенгашининг 2022 йилдаги фаолиятига оид маълумотларининг бир қисми.


Фаолият кўлами эса сарҳисобда намоён бўлади. Қўлингиздаги “Ахборотнома” Кенгаш томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисобидир. Маълумотлар қисқа матн, лўнда ифода ва жадваллар ва фотосуратлар билан эътиборингиз ҳавола этимоқдаки, бу Кенгаш фаолияти ҳақида кенгроқ тасаввур беради, деган умиддамиз.



## Судьялар корпусини шакллантириш

**2023 йил 1 январь ҳолатига фаолият күрсатаётган судьялар  
ва вакант судьялик лавозими ҳақида маълумот**

Судлар номи	Штат бирлиги	Шундан			
		Ишлаётган	Вакант		
Олий суд	73	69	94,5%	4	5,5%
Умумюрисдикция судлари	1103	1099	99,6%	4	0,4%
Шундан	Вилоят судлари	344	344	100%	
	Туманларапо, туман (шаҳар) судлари	759	755	99,5%	4
Маъмурий судлар	143	141	98,6%	2	1,4%
Шундан	Вилоят судлари	73	71	97,3%	2
	Туманларапо судлари	70	70	100%	
Харбий судлар	12	12	100,0%		
<b>ЖАМИ</b>	<b>1331</b>	<b>1321</b>	<b>99,2%</b>	<b>10</b>	<b>0,8%</b>



**Вакант судьялик лавозимлари кўрсаткичи динамикаси**

## Судьялик лавозимлариға номзодларни танлов асосида танлаш



Кенгаш томонидан 2022 йил давомида **45** (45\*) маротаба мажлис ўтказилган бўлиб, унда жами **679** (691) та масала муҳокама қилинган. Шундан, **612** (653) та судьялик лавозимига тайинлаш, **58** (38) та судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатиш, **8** та бошқа масала муҳокама қилинган.


Ўтказилган кенгаш мажлислари	Кенгаш мажлисларида кўриб чиқилган масалалар	Шундан	
		Судьялик лавозимига тайинлаш масаласи	Судьянинг ваколат муддатидан илгари тугатиш масаласи
<b>45</b>	<b>679</b>	<b>612</b>	<b>58</b>

2022 йил давомида судьялик лавозимлариға биринчи мартда тайинланадиган номзодларни судьялик лавозимиға эълон қилинган **12** та танловда иштирок этиш учун жами **103** (120) та ариза келиб тушган. Шундан **36** (46) та жиноят ишлари бўйича, **38** (25) та фуқаролик ишлари бўйича, **12** (32) та иқтисодий судлар, **17** (14) та маъмурӣ судларнинг судьяси лавозимиға иштирок этиш учун тақдим этилган.

\* Қавс ичидаги 2021 йил маълумотлари берилган.

Судлар номи	Жами мухокама қилинган номзодлар	Шундан					
		Муносиб деб топилган		Номуносиб деб топилган		Рад этилган	
		сони	%	сони	%	сони	%
Олий суд	6	6	100%				
ЖИБ судлар	100	90	86.5 %	14	13.5 %		
ФИБ судлар	93	75	80.6 %	18	19.4 %		
Иқтисодий судлар	43	35	81.3 %	8	18.7 %		
Маъмурий судлар	35	32	91.4 %	6	31.5%		
Ҳарбий судлар	2	2	100%				
Вилоят суди раиси	2	2	100%				
Конституциявий суд	6	6	100%				
Қайта тайинланганлар	320	210	65.7 %			110	34.3 %
<b>ЖАМИ</b>	<b>612</b>	<b>459</b>	<b>75%</b>	<b>43</b>	<b>7%</b>	<b>110</b>	<b>18%</b>

## Кенгашда мухокама қилинган масалалар



Судьялик лавозимига тайинлаш масаласида мухокама қилинган **612** (653) нафар номзоднинг **459** (460) нафари ёки **75,0** (70,4) фоизи судьялик лавозимига муносиб деб топилган, **43** (99) нафари ёки **7,0** (15,1) фоизи судьялик лавозимига номуносиб деб топилган, **110** (94) нафари ёки **18,0** (14,3) фоизини қайта тайинлаш рад этилган.

Судьялик лавозимига муносиб деб топилган номзодлар	Беш йил муддатга	Навбатдаги ўн йил муддатга	Судьялик лавозимининг муддатсиз даврга	Қайта тайинланган
<b>459</b>	<b>78</b>	<b>169</b>	<b>2</b>	<b>210</b>

Бундан ташқари, **1** нафар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, **1** нафар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари лавозимига, **5** (26) нафар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига, **5** (65) нафар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят судларининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритилган.

2022 йил давомида **27** (12) нафар судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритилган.

### 2022 йилда судьялик лавозимига илк бор тайинланадиган номзодлар



### Ўн йиллик муддатга тайинланган (сайланган) судьялар



2022 йилда судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига **169** (109) нафар номзод муносиб деб топилган.

Жумладан **6** (22) нафари Олий суднинг судьяси, **64** (36) нафари жиноят ишлари бўйича, **49** (39) нафари фуқаролик ишлари бўйича, **23** (11) нафар иқтисодий, **23** (1) нафари маъмурӣ, **3** нафар ҳарбий ҳамда **1** нафар вилоят суди суднинг раиси лавозимига тайинлаш учун кўрсатилган.

## Муддатсиз даврга тайинланган (сайланган) судьялар

2022 йил давомида судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига 2 (11) нафар номзод муносиб деб топилган.

## Судьялик ваколати муддати даврига қайта тайинланган судьялар

Ҳисобот даврида Кенгаш томонидан 210 (247) нафар судья ваколат муддати даврига бошқа судьялик лавозимлариға қайта тайинланган бўлиб, шундан 95 (70) нафари жиноят, 64 (67) нафари фуқаролик, 9 (18) нафари маъмурӣ, 37 (26) нафари иқтисодий судларнинг судьяси, 1 (20) нафари вилоят суди раиси ҳамда 4 (44) нафари вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимлариға қайта тайинланган.



## Ваколатлари муддатидан илгари тугатилган судьялар

	2022	2021		2022	2021
Жами ваколат муддати тугатилган судьялар	58	38	Судьялик қасамёдини бузганлиги	22	11
Вафот этганлиги муносабати билан	2	3	Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан	2	8
“Судьялар одобига риоя этмаганлиги учун	2	8	Ўз аризасига кўра	30	8

12 нафар судья навбатдаги муддатга нолойиқ топилди.

## 2022 йилда фаолият юритган аёл судьялар

Республика бўйича **1321** (1310) нафар судья фаолият юритган бўлиб, шундан **179** (173) нафарини ёки **13,6** (13,2) аёл судьялар ташкил этди.

Шу даврда ишлаб турган аёл судьяларнинг **25** нафари юқори лавозимларга тайинланган.



## Суд тизимида гендер тенглигини таъминлаш



Хотин-қизлар масалаларига масъул давлат органлари, Сенат аъзолари, аёл судьялар, шунингдек, АҚШ, Словения, Қирғистон ва Қозоғистон давлатлари суд тизими вакиллари иштирокида конференция бўлиб ўтди.


Халқаро конференциядан мақсад – суд тизимида хотин-қизларнинг улушини оширишни таъминловчи ташкилий ва ҳуқуқий асосларни халқаро ва хорижий тажриба асосида такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистонда судьялар орасидаги хотин-қизларнинг улуши қарийиб **14** фоизга (180 нафар) етди. Бу кўрсаткич Козоғистонда **51**, Россияда **66**, Словенияда **70**, Португалияда **75** фоизни ташкил этади.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичларига кўра, судьялар орасида хотин-қизлар улушини ошириш 2025 йилда **20** фоизга, 2030 йилда **30** фоизга етказиш назарда тутилган.

“Ўзбекистон аёл судьялари” тўплами ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ташабbusi билан Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча аёл судьялар ҳақида ихчам маълумотлар жамланган.

Тўплам дунё ҳамжамиятига аёл судьяларимизни таништириш, шунингдек уларга ҳурмат-эҳтиром рамзи ва Халқаро хотин-қизлар кунига камтарона туҳфа сифатида тайёрланди.






## Судьялар дахлсизлигини тъминлаш

Судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар

2022 йил давомида судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашиш бўйича **2** та ҳолат қайд этилган бўлиб, бу ҳар бир ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилиб, Бош прокуратурага киритилган тақдимномалар асосида **1** та жиноят иши қўзғатилди.

Туман ҳокимликларининг судларга турли вазифалар юклаш ҳақидаги **14** та қарорлари бекор қилинди.

### Судьяларнинг интизомий, жиноий ва маъмурий жавобгарлиги



2022 йилда **276** (220) та интизомий иш қўзғатилган, шундан **22** (12) нафар судьянинг судьялик ваколатини муддатидан илгари тугатилган, **103** (101) нафар судьяга нисбатан “ҳайфсан”, **16** (10) нафар судьяга “жарима”, **132** (39) нафар “огоҳлантириш”, **196** (158) та судьяга нисбатан интизомий иш тугутилган.

Қўзғатилган интизомий ишларнинг **121** (92) таси фуқаролик, **122** (90) таси жиноят, **23** (27) таси иқтисодий, **10** (11) таси маъмурий суд судьяларига тўғри келади.

Таҳлилларга кўра, интизомий ишларнинг аксарият қисми Тошкент вилояти (44), Тошкент шаҳар (40), Самарқанд вилояти (27), Бухоро вилояти (27), ва Наманган вилоятларига тўғри келади.

Мазкур интизомий ишларнинг **24** (21) таси Кенгаш томонидан, **27** таси Олий малака ҳайъати томонидан, **225** (63) таси жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан ўтказилган хизмат текширувлари асосида қўзғатилган.

Шунингдек, **22** (21) таси судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар, **190** (33) таси Олий суд ва вилоят судлари томонидан ўтказилган судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра қўзғатилган.

Шу даврда судьялар жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилмаган.

**119** нафар судья билан профилактик сухбат ўтказилди.

## Коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари



Кенгаш ташабуси билан "Пушаймон" қисқа метражли фильм суратга олинди.

"Пушаймон" қисқа метражли фильмиде иш фолиятида коррупцияга йўл қўйган ва бунинг оқибатида бутун ҳаёти остин-устун бўлиб кетган собиқ судьянинг аянчли тақдирни ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур фильм жойларда ўтказилган маърифий тадбирларларда судьяларнинг оила аъзолариға намойиш этилди.

Бундан кўзланган мақсад инсоннинг камоли ва заволи ўртасида масофа бир қадам эканини очиб бериш орқали соҳа ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини қарор топтириш.

Коррупциявий жиноятларга қарши иммунитетни шакиллантириш мақсадида "Пора берма" номли постер фуқаролар қабулхоналарига, "Пора олма" номли буклет судьяларнинг хизмат хоналарига жойлаштирилди.





Бугун Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ҳамда Судьялар олий кенгаши ҳамкорлигига “Судьялар корпусини шакллантиришда коррупциянинг олдини олиш масалалари” мавзусида давра сұхбати ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиб давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ташкил этилишининг ўзи бу балога қарши курашибда давлатимиз қатъиятидан далолат бериб турибди.

Агентлик яқинда ташкил этилган ташкилот бўлса-да, коррупцияга қарши курашибининг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий механизмларини такомиллаштирилиши, бу жараёнга жамоатчиликни жалб қилиш ҳамда коррупциянинг олдини олиш бўйича идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш қаратилган ваколатларининг йил сайин кенгайтирилаётганлиги Агентлик томонидан амалга оширилаётган ишларнинг натижаси ҳисобланади.

### Судьялар маънавиятини юксалтириш бўйича тадбирлар




Судьялар олий кенгаши ташаббуси Олий суд раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида кечаги оғир иш кунининг якуни маданий ҳордиқа айланди. Яъниким, ҳар икки орган раҳбарлари бошчилигига Судьялар олий кенгаши, Олий суд ва Тошкент вилояти суди судьялари Ўзбек миллий академик драма театрида “Адолат фасли” (Усмон Азим асари) тарихий драмаси томоша қилинди.




# Судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш

## Судьялар олий мактабида малака оширган судьялар

Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий ишлари бўйича



Маъмурий ишлари бўйича



# 239



нафар судьялар малака  
oshiresh kurslariida malakasini  
oshiрган.



# 168

нафар суд ходимлари малака  
oshiresh kurslariida malakasini  
oshiрган.


Жиноят ишлари бўйича




Фуқаролик ишлари бўйича



Иқтисодий ишлари бўйича



Маъмурий ишлари бўйича



2022 йилда жами **407** нафар тингловчи малака ошириш курсларида малакасини оширган. Шулардан **239** нафари (89 нафари жиноят ишлари бўйича, 60 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 45 нафари маъмурий, 45 нафари иқтисодий суд) судьялар, **168** нафари (28 нафари жиноят ишлари бўйича, 56 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 42 нафари маъмурий, 42 нафари иқтисодий) суд аппарати ходимлариридир. Раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш курсларида **18** нафар судья таҳсил олган.

Шунингдек, **15** та мавзу доирасида жами **75** маротаба судьялар ва суд аппарати ходимлари учун қисқа муддатли курслар ўтказилган.

Шу билан бирга Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг судьяларига, жами **258** нафар судьялар учун психологик тренинглар ўтказилган.

## Судьялар олий мактабининг фаолияти

2022 йилнинг 4-15 июль кунлари магистратура тингловчилари учун Якуний давлат аттестация синовлари ўtkазилди. Якуний давлат аттестацияси синови натижаларига кўра мактабни 75 нафар тингловчи тугатди.

75

Нафар магистратура  
tinglovchisi

25

Жиноят ишлари  
бўйича

15

Иқтисодий  
ишлари бўйича

25

Фуқаролик  
ишлари бўйича

10

Маъмурий ишлари  
бўйича



2022 йил 6 август куни судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура курсининг 2022/2023 ўқув йили битиравчилари учун **тантанали диплом топшириш** тадбири ташкил этилди. Тадбирда Судьялар олий кенгаши раиси, аъзолари ва Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари иштирок этилди.

Судьялар олий мактабининг Қабул комиссияси ташкил этилди. 2022 йил 13 июль - 27 август кунлари судьяликка номзодларни тайёрлаш бўйича магистратура ўқув курсига қабул қилиш учун синов имтиҳонлари бўлиб ўтди. Имтиҳон натижаларига кўра, **752** нафар даъвогардан **139** нафари Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчилари сафига қўшилди.



## Раҳбарлик курслари ҳақида маълумот



Давомийлиги икки ой бўлган раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш курсларида 2022 йилнинг 17 октябридан 9 декабрь кунига қадар **18** нафар судья таҳсил олди.



## Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик



Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва блогерлар билан ҳамкорлик Кенгаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.



муносабат билдирилди.

Кенгаш раҳбарияти иштироқида уч марта матбуот анжумани ўтказилди. Кенгаш матбуот хизмати томонидан ҳар ойда бир марта брифинг ўтказилиши анъанага айланди.

Матбуот анжуманлари ва брифинглар “O’zbekiston-24”, “Uzreport” телеканаллари орқали тўғридан тўғри эфирга узатилди. Кенгаш фаолияти “O’zbekiston-24”, “Uzreport” телеканалларидан ташқари “O’zbekiston”, “MY-5”, “Sevimli”, “Renesans-TV”, “Mahalla” телеканалларида, “Kun.uz”, “Daryo”, “Xabar.uz”, Uza.uz “Rost-24” каби етакчи электрон сайтилари ҳамда “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, “Ўзбекистон овози” газеталарда мунтазам ёритилиб келмоқда.

2022 йил давомида ОАВ ва блогерлар билан конструктив мулоқотлар изчил давом эттирилди.

Ҳисобот даврида марказий телевидение, етакчи босма ва электрон нашрларда Кенгаш фаолиятига оид **440** та матнли, **101** та видеоматериаллар эълон қилинди.

Шунингдек, **91** та танқидий материиллар юзасидан ўз вақтида расмий



Бундан ташқари Кенгашнинг расмий веб-сайти янгиланди, "Telegram" мессенжерида ўз каналини очди, 2022 йилнинг ўзида канал обуначилари сони 9000 дан кўпроқ кишини ташкил этди.

Судьялар олий кенгашининг судьялик лавозимигатанлашватайнлашгадоирочиқ танловларда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар мунтазам иштирок этиб келмоқда.

2022 йилнинг октябрь ойида Кенгаш ташаббуси ва Президент Андминстрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда ҳуқуқий мавзуга ихтисолашган журналист ва блогерлар учун икки ҳафталик бепул ўқув-машғулотлари ташкил этилди. Якунда унда фаол иштирок этган 81 нафар журналист ва блогерларга маҳсус сертификат ва "Судлар фаолиятини ёртишнинг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос жиҳатлари" номли амалий-ҳуқуқий қўлланма тақдим этилди;

**Кенгаш томонидан ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналист ва блогерлар учун танлов эълон қилинди.** Уч йўналишда (телерадио, босма ва интернет жуналистикаси, блогерлар) ўтган танлов натижаларига кўра, унда ғолиб деб топилган тўққиз нафар ОАВ ходимлари ва блогерларга Кенгашнинг маҳсус соврини ва дипломи топширилди.





## Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича таҳлил

	2021	2022
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари	<b>5140</b>	<b>6858</b>
Суд қарорлари юзасидан	<b>3661</b>	<b>4532</b>
Судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан	<b>120</b>	<b>341</b>
Бошқа масалалар юзасидан	<b>1359</b>	<b>2016</b>
Шикоят ва такорий мурожаатлар	<b>498</b>	<b>481</b>
Ишонч телефонлари орқали	<b>1569</b>	<b>2466</b>
Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси	<b>2106</b>	<b>2896</b>

### Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши

Суд қарорлари юзасидан келиб тушган **4532** (3661) та шикоятдан **1650** (1415) таси фуқаролик, **2200** (1539) таси жиноят, **300** (269) таси иқтисодий, **382** (438) таси маъмурий судлар томонидан чиқарилган қарорларга тўғри келади.

Келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра **49** (28) та мурожаат қаноатлантирилган, **3** (4) та мурожаат рад қилинган, **3709** (3503) та мурожаат таалуқлилиги бўйича юборилган, **244** (66) та мурожаат кўрмасдан қолдирилган, **374** (262) та мурожаат маълумот учун қабул қилинган, **2138** (1155) та мурожаат юзасидан тушунтиришлар берилган, **341** (120) та мурожаат бўйича Кенгаш ва жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан хизмат текширувлари ўтказилган.

Бундан ташқари, судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган **341** (120) та шикоятдан **132** (2021 йилда 40) таси фуқаролик, **152** (2021 йилда 52) таси жиноят, **35** (2021 йилда 11) таси иқтисодий, **22** (2021 йилда 17) таси маъмурий суд судьяларига тўғри келади.




Судьянинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган **341** мурожаатнинг **56** тасида мурожаатлари важлар ўз тасдиғини топган бўлиб, **1** нафар судья лавозимидан озод этилган, **10** тасига “хайфсан” интизомий жазо чораси, **10** тасига “огоҳлантириш” интизомий жазо чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш, асоссиз ва такрорий мурожаатларнинг олдини олиш борасида тегишли чора тадбир белгилаш учун Олий малака ҳайъати, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатларига юборилди.

Ишларни кўришда сансалорликка йўл қўйганлиги, қўпол муносабатда бўлинганлиги ёки судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига зид бошқа хатти-ҳаракатларни содир этганлиги ҳақида маълумотлар келиб тушган ҳамда илк бор судьялик лавозимига тайинланган номзодлар билан **119** маротаба суҳбат ўтказилиб, расман огоҳлантирилган.

## Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши



# **Судьялар олий кенгаши фаолиятига замонавий ахборот-технологияларни кенг жорий қилиниши**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сонли Фармонига мувофиқ 2021 йил давомида Судьялар олий кенгаши фаолиятига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий қилинди.

## **Электрон билет дастури**



Жумладан, судьялар ва судьялик лавозимлариганомзодлар билан сұхбат жараёнида бериладиган саволларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш дастури ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланиб келинмоқда.

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган



номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлаш учун ўтказилидаган сұхбат жараёнида бериладиган саволларни номзод ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлайди.



Судьялар олий кенгашининг мажлисининг котиби номзоднинг шахсини таништирганидан сўнг раислик қилувчининг рухсати билан номзод компьютерга уланган мониторда жойлашган тугмаларни босиш орқали дастлаб номзод турини, суд ихтисослигини ҳамда ўзи хоҳлаган билет рақамини танлайди.

Номзод билет рақамини танлагандан кейин мониторга билет рақами ва ундаги саволлар матни чиқади. Билетдаги барча саволларга жавоб берилганидан кейин якунлаш тугмаси босилади.

Танланган билет рақами бошқа номзодлар танлови учун кўринмайди, яъни саволлар тақрорланмайди.

Ахборот тизимиға киритилган саволлар номзод тури ва суд ихтисослигига қараб

автоматлаштирилган ҳолда билетларга тақсимланади.

Саволларни автоматлаштирилган ҳолда танлаш дастури ҳар сафар ишга туширилганда унга киритилган саволлар билетларга қайтадан тасодифий тақсимланади, яъни ҳар сафар билетлардаги саволлар алмашив туради.

Кенгаш мажлиси яқунланғандан сүнг дастурдаги саволлар шу мажлисда қайси билетларга тақсимланғанлигини аниқлаш мумкин.

Номзод танлаган билет ва ундаги саволларни бошқа номзодлар ҳамда жамоатчилик вакиллари онлайн тарзда бевосита кузатиб бориши мумкин.

Электрон билет дастури <https://bilet.sjco.uz/> интернет манзилида жойлашган.



## Имтиҳон жараёнларини онлайн ёритиб бориш

Илк бор судьялик лавозимлариға номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб бориш йўлга қўйилди.



### Имтиҳон жараёнларини нафақат

муқобил номзодлар, балки номзоднинг отоналари ҳам кузатиб боришлари мумкин.

Судьялар олий кенгашининг Youtube тармоғидаги расмий каналида имтиҳон жараёнларининг онлайн трансляция қилиш имконияти яратилди.



## Фуқароларни онлайн қабул қилиши



НАМУНА	
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий конигани раҳбарлигининг фурӯзгорларини кабул қилиши ЖАДАЛАИ	
№ Ходи кукори Ишласи кубоз Хар бури (юнус-хизматчилик)	
1.	Конига раис Едитори хизматчи отиг маъсими
2. Ишласи кубоз Хар бури (юнус-хизматчилик)	Кониге расмий Республика жадалан ҳизмат ирада

Фурӯзгорларни пазни ылбу хизмат мансаби  
Ўзбекистон Республикаси Кониганинин тартибидан  
Аллоҳ ота кўнсан, 24-ж

Ондан кубозларни тақдизланган ахлат орнани  
Конигадан оидиётни тақдизланган ахлат орнани  
Конигадан оидиётни тақдизланган ахлат орнани  
Гарнитурни тақдизланган ахлат орнани  
Конигадан оидиётни тақдизланган ахлат орнани

Учун логотип:  
<http://www.sjco.uz>

Изом телефони: 71 200-76-00 fax 1190  
Электрон патшабарои

Судьялар олий кенгashi раиси ҳамда раиси ўринбосари томонидан узоқ масофада яшовчи фуқаролар видеоконференция алоқаси орқали онлайн қабул қилинмоқда.

## “Психологик тест” электрон дастури



Судьялик лавозимида номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносабигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур ишлаб чиқилиб, синовдан мувофақиятли ўтгандан сўнг, тўлиқ ишга туширилди.

Судьялар олий кенгashi қарори билан “Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносабигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест тизими тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.



“Психологик тест” электрон дастури ёрдамида шахснинг психологик ҳолатлари ва хусусиятлари баҳоланади.

Психологик тест натижаси професионал психолог томонидан ўрганиб чиқилиб, тавсиявий характерга эга бўлган хулоса тузилади.



2022 йилда **138** нафар судьяликка номзодлар ва **901** нафар судьялар психологик тест топширди, натижаси бўйича жойларда **258** нафар судья билан психологик тренинглар, **40** нафар судья билан психологик сұхбатлар ўtkazildi.

“Психологик тест” электрон дастури ёрдамида шахснинг қўйидаги психологик ҳолатлари ва хусусиятлари баҳоланади:





# Судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
АХБОРОТ ТИЗИМИ

Логин  
Пароль  
Кирни

Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарори билан “Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби түғрисида Низом тасдиқланди.

Низомга кўра судьялар фаолиятининг самарадорлиги инсон омилисиз ва аралашувисиз 100 баллик баҳолаш тизимида асосий ва қўшимча мезонлар асосида баҳоланади.

Суд қарорларининг сифати, судьянинг масъулияти ва одоби ҳамда судьянинг чет тилларини билиши асосий баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судьянинг иш ҳажми катталиги, Судьялар клуби онлайн форумидаги фаоллиги, илмий даражага эгалиги, судьяларнинг касбий малака оширишида қатнашганлиги ҳамда муайян иш бўйича тарафларнинг ярушувига (келишувига) эришганлиги қўшимча баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Судьянинг фаолияти самарадорлигини  
электрон рейтинг баҳолаш натижаси  
**Баҳолаш даври:** 01.01.2022 - 31.12.2022

**83**  
яхши



## Жаббаров Иброҳим Султонмуратович

ЖИБ Чортоқ туман суднинг раиси

Туғилган санаси: **01.10.1978**

Судьялик стажи: **2 йил**

Малака даражаси: **4**

Биринчи инстанцияда **287** та жиноят ишини куриб тамомлаган.

Биринчи инстанцияда **2474** та маъмурӣ ҳуқуқбузарлик ишини куриб тамомлаган.

Биринчи инстанцияда **692** та материаллар куриб тамомлаган.

Суд қарорларининг сифати:

**50/30**

Бекор қилинган суд қарорлари	<b>4</b>	<b>-8</b>
Жазо қўллаш тўғрисида қарор	<b>4</b>	<b>-8</b>
Бекор қилинган суд қарорлари	<b>3</b>	<b>-12</b>
Айблов ҳукми	<b>3</b>	<b>-12</b>
Жами	<b>7</b>	<b>-20</b>

✓ Судьянинг одоби ва масъулияти:

**45/45**

Жами		
Чет тилларини билиши:	<b>5/0</b>	
Жами		
Кўшимча баллар:	<b>+8</b>	
Муайян иш бўйича тарафларнинг ярушувига (келишувига) эришганлиги		<b>+3</b>
Иш ҳажми		<b>+5</b>

## Вилоят суди рейтинги

№	Вилоят номи	Рейтинг
1	Бухоро вилояти	90,8
2	Хоразм вилояти	90,2
3	Жиззах вилояти	88,3
4	Андижон вилояти	88,3
5	Тошкент вилояти	87,7
6	Сирдарё вилояти	86,3
7	Қашқадарё вилояти	85,3
8	Қорақалпоғистон Республикаси	83,7
9	Навоий вилояти	83,7
10	Сурхондарё вилояти	83,7
11	Фарғона вилояти	83,6
12	Наманган вилояти	82,6
13	Самарқанд вилояти	79,6
14	Тошкент шаҳар	78,3

Фаолият кўрсаткичи қониқарсиз (56 баллдан паст) **24** нафар (2021 йилда 42 нафар) судьянинг малакасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди;

**6** нафар кўрсаткичи ёмон (40 баллдан паст) судьяларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан ўрганилмоқда.



**"Ибратли судья" мукофоти билан тақдирланганлар**  
**РҮЙХАТИ**

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Балл
1	Толлибаев Камолиддин Суннатович	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	100
2	Утаев Акром Жўрақулович	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	100
3	Рабиева Мухаббат Миржалиловна	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	95
4	Болтаходжаева Ирода Абдукаримовна	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	95
5	Рўзиев Учқун Холбоевич	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	95
6	Давлетмуратов Султанмурат Рустемович	Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судьяси	95
7	Асрanova Гулнорахон Абдурасуловна	Андижон вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси	104
8	Новрузов Озоджон Ҳасанович	Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси	104
9	Бахриев Мизроб Джамшитович	Жиззах вилояти Жиззах туманлараро маъмурий судининг судьяси	105
10	Бахтиёров Шаҳзод Бахтиёр ўғли	Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси	104
11	Қаҳҳоров Турғунбой Суннатовоич	Навоий вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси	99
12	Халилова Наргиз Алихановна	Наманган вилояти фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон туманлараро судининг раиси	100
13	Жураев Бехзод Хамидович	Самарқанд вилояти Пайариқ туманлараро иқтисодий судининг раиси	102
14	Жаббаров Жавлон Равшан ўғли	Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг раиси	99
15	Абдурахманов Мансур Мамарасулович	Сурхондарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси	99
16	Зарипов Рустам Раҳматжонович	Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича Кувасой шаҳар судининг раиси	101
17	Эшchanов Дониёрбек Камилжанович	Хоразм вилояти фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судининг раиси	104
18	Амонов Faфур Баҳодирович	Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар судининг раиси	100
19	Тургунбоев Элбекжон Одилжонович	Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судьяси	103
20	Мамараимов Асқар Нематович	Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судьяси	100

## "Ибратли судья" мукофоти билан тақдирланган судьялар

Суд тизимида самарали ва ҳалол фаолият юритаётган, ўзининг чуқур билими, одоб-ахлоқи ва маънавий фазилатлари билан касбдошларига намуна бўлаётган, одил судловни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган профессионал касб маҳоратига эга бўлган 20 нафар судья "Ибратли судья" мукофоти билан тақдирландилар.



## Давлат мукофоти билан тақдирланган судьялар



Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Рўзиев Учқун Холбоевич ва Алмамедов Улуғбек Алиджанович Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра "Содик хизматлари" учун медали билан тақдирланди.

## "Мўътабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланган судьялар

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 апрелдаги қарори билан таъсис этилган "Мўътабар аёл" кўкрак нишони, анъанага кўра, ҳар йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўз соҳибаларига тантанали равишда топшириб келинмоқда.

Бу йил ҳам жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиласининг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар мазкур кўкрак нишони билан тақдирландилар. Эътиборлиси, улар ораси судьялар ҳамжамиятининг икки вакиласи - Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ўқитувчisi, фахрий судья, юридик фанлар доктори, профессор **Фарруха Муҳитдинова** ҳамда Судьялар олий кенгаши аъзоси, юридик фанлари номзоди, доцент **Малика Қаландарова** ҳам бор.



## «Суд фахрийси» кўкрак нишони



Истиқлол байрами ва Бosh қомусимиз қабул қилинган сана арафасида **107** нафар фахрийга “Суд фахрийси” кўкрак нишони ва гувоҳнома тантанали равишда топширилди.



## Ўзбекистон Судьялар клуби



Судьялар клубининг электрон платформасида:

- судьянинг дахлсизлиги бузилган ҳолатлар тўғрисида тезкор хабар юбориш;
- одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;
- ўзаро мулокот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга кўмаклашиш тизими яратилди.

Клубнинг онлайн форумида суд амалиётига оид **6437** та мавзу бўйича ўзаро **140299** маротаба фикр алмашинилди, Иқтисодий ишлар бўйича **20848** та таклиф муҳокама қилинди.

Форумда фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти **25982** марта, жиноят ишлари бўйича суд амалиёти **15701** марта, маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти муҳокама қилинган.

Форумда:

- судьялар моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тавсиялар; одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларга тушуниришлар; судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар;
- судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар;
- судьянинг маънавияти;
- суд тизимидаги янгиликлар ва судьялар учун эълонлар бўлимида мулокот қилиш имкони яратилди.



## Судьялар клубининг онлайн форуми

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 7 январдаги қарори билан Ўзбекистон Судьялар клуби тұғрисидаги Низом, Клубнинг масъул аъзолари ҳамда Клуб фаолиятига күмаклашувчи ҳудудий вакиллар таркиби тасдиқланиб, Клуб ўз фаолиятини бошлади.

Судьялар клубининг электрон платформасида судьянинг дахлсизлиги бузилган ҳолатлар тұғрисида тезкор хабар юбориш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ўзаро мулоқот асосида судьялар малакасини ошириш ва ягона суд амалиётини жорий этишга күмаклашиш тизими яратилди.

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар клубида бўлиб ўтган “**Аёл судьялар жамоаси**”нинг онлайн-форумида аёл судьяларнинг фаолияти, уларни қийнаётган муаммолар, фарзанд тарбиясидаги иштироки, ўзини тутиши, одил судловни амалга оширишдаги фаоллиги каби масалалар муҳокама қилинди.



### Муҳокамалар статистикаси

Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти	..... 25982
Иқтисодий ишлар бўйича суд амалиёти	..... 20848
Маъмурий ишлар бўйича суд амалиёти	..... 19433
Жиноят ишлари бўйича суд амалиёти	..... 15701
Жазо тайинлаш	..... 9008

## Ижодкор судьялар клуби ташкил этилди



Ушбу сурат судья А.Пайғамов томонидан чизилган.

Судьялар олий кенгаши ташабуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди: Кенгаш қошида “Ижодкор судьялар клуби” ташкил этилди.

Судьяларимиз орасида бадиий адабиётга ошнолари оз эмас. Тошкент вилоят судининг судьяси Холмамат Хасанов (Хол Мұхаммад Хасан) таниқли шоир. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг раиси Нуридин Муродов қатор китоблар муаллифи. Қашқадарёлик Ҳамид Бобоқулов насрда дурустгина қалам тебратмоқда.



# Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик соҳасидаги ишларни мувофиқлантириш

## Америка Қўшма Штатлари



“Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиалининг таклифига асосан 2022 йилнинг 13 – 22 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi, Олий суд, Бosh прокуратура, Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ва Президент Администрацияси 10 нафар вакилларидан иборат делегациясининг Америка Қўшма Штатларининг Луизиана штатига ўқув сафари амалга оширилди.

Мақсад – судьялар ва прокурорлар этикаси, давлат органларида коррупцияга қарши курашиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ҳамда одил судлов соҳалари самардорлигини оширишга оид тажрибани ўрганишдан иборат. Сафар натижалари кўра миллий қонунчиликни такомиллаштири бўйича бир қатор таклифлар тайёрланди.



АҚШ Федерал суд маркази томонидан ўзбекистонлик судьялар учун “Судьяликка талаблар: стресс, руҳий мувозанат, лидерлик ва мулоқот” мавзусида онлайн тренинг машғулотлари ўтказилди.

Бу Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi, АҚШнинг Федерал суд маркази ва “Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилотининг мамлакатимиздаги филиали вакиллари учрашувида келишилган тадбирлардан бири ҳисобаланади.

10 кун давомида бўлиб ўтган онлайн тренинг биринчи машғулотларида 20 нафарга яқин судьялар малака ошириди.

## Канада



30 октябрь – 3 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзолари Хуршид Со-

диқов ва Ҳусниддин Камолов Канаданинг Оттава шаҳрида Судьялар малакасини ошириш халқаро ташкилоти томонидан ўтказиладиган халқаро конференцияда иштирок этишиди.



Конференцияда мамлакатимизда ўтказилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари, хусусан, судьяларни тайёрлаш, танлаш ва тайинлашда жорий этилган янги тартиблар ва бу жараёнга замонавий ахборот-технологиялари жорий этилиши натижалари, шунингдек, судьялар фаолиятини электрон баҳолаш рейтинг дастури ҳамда уларни психологик тестдан ўтказиш амалиёти, Судьялар клуби фаолияти бўйича тақдимот қилинди.




Конференция якунида Судьялар олий кенгashi ҳамда Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Судьялар малакасини ошириш халқаро ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

Судьялар малакасини ошириш халқаро ташкилоти (IOJT) 2002 йилда бутун дунё бўйлаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. IOJT ўз фаолиятини халқаро ва минтақавий конференциялар ва тажриба алмашинувлар орқали амалга оширади. Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва ривожлантириш стратегияларини муҳокама қилиш, самарали ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш халқаро ташкилот фаолиятининг устувор йўланиши қилиб белгиланган.

Айни пайтда 77 мамлакатнинг 125 та судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга маъсул ташкилотлар ҳамда таълим муассасалари мазкур халқаро ташкилот аъзолари ҳисобланади.



## Чехия



Судьялар олий кенгаши аъзоси Хуршид Содиқов ҳамда Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича сундяси Мухиддин Султонов 2022 йилнинг 6-7 май кунлари Чехия Республикасининг пойтахти Прага шаҳрида Марказий ва Шарқий Европа юридик институти (CEELI Institute) томонидан ташкил этилган “Суд ҳокимиятига жамоатчилик ишончини шакллантириш: суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этишди.

Конференцияда 20 дан ортиқ давлатлардан судьялар иштирок этиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд ҳокимиятига жамоатчилик ишончини шакллантириш ва мустаҳкамлаш масалаларида халқаро тажриба алмасилди.

Конференция иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳамда Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик корпусини шакллантириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда коррупцияни олдини олиш бўйича қилинган ишларни юқори эътироф этилди.

Конференция натижаларига кўра судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффоффликни таъминлаш мақсадида судьялик лавозимига номзодларни тайинлаш жараёнида Судьялар ҳамжамияти органларининг аниқ ваколатларини белгилаш, судьяларни лавозимларга тайинлашда Судьялар олий кенгаши ваколатларини кенгайтиришни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим қилинди.



## Германия



Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг иштирокида “Судьялик лавозимига кадрларни танлаш, тайёрлаш ва тайинлаш тизимининг шаффоффлиги ҳамда коррупцияни олдини олиш омили сифатида” мавзусидаги онлайн семинар ташкил этилиб, германиялик эксперtlар (судьялар) томонидан Германия мисолида судьяларни ўқитиш, танлаш ва тайинлаш билан боғлиқ бўлган халқаро амалиёт таништирилди.)

(Ўтказилган онлайн семинар асносида судьялар фаолияти самарадорлигини очиқ ва ошкора баҳолаш (аттестация)ни электрон рейтинг орқали амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш бўйича Германия тажрибаси ўрганилди.

## Финландия



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялари Н.Бобохонова, И.Хакимов, В.Файзуллаев ва Б.Сабиров АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва East-West Management Institute нодавлат нотижорат ташкилоти филиалининг «Ўзбекистонда суд тизимини мустаҳкамлаш»

қўшма лойиҳаси ва Суд маъмурчилиги халқаро ассоциацияси (IACA) таклифига кўра 2022 йил 17-20 октябрь кунлари Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида “Янги шароитларда инсон манфаатига қаратилган одил судлов” мавзусида бўлиб ўтган 11-халқаро конференцияда иштирок этишган. Конференцияда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларидан, жумладан АҚШ, Англия, Канада, Австралия, Сингапур, Аргентина, Бразилия, Финляндия, Грузия, Латвия, Саудия Арабистони, Қатар ва бошقا давлатлари суд идоралари вакиллари қатнашган. Конференциядан кўзланган мақсад – одил судловни янада такомиллаштириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар корпусини шакллантириш ҳамда судьяларнинг малакасини ошириш масалаларида халқаро тажриба алмашишdir.



## Қозоғистон Республикаси



2022 йил 3-4 ноябрь кунлари Қозоғистон Республикасининг Алмати шаҳрида “Маъмурий даъволарнинг асослилиги ва тегишлилиги (маъмурий ишларнинг кўриб чиқиш услубиёти)” мавзусида маъмурий ҳуқуқ бўйича XIII халқаро илмий-амалий

конференциясида Судьялар олий кенгаши судьяси О.Мирзамахмудов иштирок этди. Ушбу конференцияда “Ўзбекистон Республикаси маъмурий судлар томонидан ишларни кўриш методикаси” мавзусида маъруза қилинди.



## Судьялар кенгаши органлари фаолиятининг универсал принциплари



солувчи аниқ халқаро-хуқуқий Президентимизнинг бу таклифи нақадар суд органлари ва судьяларнинг мустақилларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан узвий боғлиқдир. Зеро, Судьялар кенгашларининг мустақилларини таъминламай туриб, бутун суд ҳокимиятининг мустақилларини таъминлаш имконсизdir. Шу боис ҳам халқаро тадбирда алоҳида таъкид этилдики, Судьялар кенгашларининг суд ҳокимияти мустақилларини таъминлашдаги роли унинг фаолиятини мустақил тарзда олиб боришни кафолатладиган демократик

принциплар асосида ташкил этилганига бевосита боғлиқ. Бунда Судьялар кенгашлари фаолиятини демократик тарзда ташкил этиш ва холис амалга ошириш, унинг аъзолари мустақилларини таъминлаш бўйича зарур хуқуқий кафолатларни белгилаш мухим вазифа ҳисобланади.



Маълумки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги (2021 йил 21 февраль) маъруzasida Судьялар кенгаши органлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурганди. Жаҳон ҳамжамиятида судьялар кенгаши органларининг сони кўпайиб бораётганлиги ҳамда халқаро миқёсда ушбу органлар фаолиятини тартибида нормаларнинг мавжуд эмаслиги долзарблигини исботлайди. Негаки,

мустақилларини кўп жиҳатдан айнан Судьялар



Тадбирда давлатимиз раҳбари тақлифидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари мутахассисларидан иборат ишчи гурӯҳ шакллантирилгани ва Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларига оид халқаро хуқуқий-норматив ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилгани яна бир эътироф этилди.

# Кенгаш томонидан судьялар учун чоп этилган қўлланма ва рисолалар




"Судьялар одоби кодекси"га ўзгартиришлар киритилгандан сўнг, ўзбек ва рус тилларида ҳамда лотин алифбосида нашр этилди.

Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар одоби кодекси ҳар бир судья учун одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ касбий фаолиятида ва хизматдан ташқари вақтда мажбурий бўлган, юксак одоб-ахлоқ талаблари, судьялар одоб-ахлоқи соҳасидаги халқаро стандартларга асосланган халқ-атвор қоидалари белгилайди.



"Халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши" деб номланган қўлланма тайёрланиб, нашрдан чиқарилди. Мазкур тўпламдан нафақат суд ишларини юритишида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, балки Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларнинг мамлакат ичидаги ташқарисида ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Қўлланма судьялар, суд ходимларидан ташқари судьялик лавозимига номзодлар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва соҳага қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.



"Судлар фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари" номли услубий қўлланмаси судьялик лавозимларига номзодлар, судьялар ва суд аппарати ходимларини ўқитишида, суд амалиёти ходимларининг суд ишларини юритишида суд органлари мустақиллигининг асосий принципларидан фойдаланиш ва унга амал қилиш, халқаро конвенцияларлардан фойдаланишда қулайликлар яратиш ҳамда уни қўллаш кўнникмаларини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкин.

Мазкур қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2022 йил 30 декабрдаги 429-сонли буйруғига асосан юриспруденция таълим йўналиши бўйича талабалар учун тавсия этилган ва нашрга рухсат этилган.



## Аҳоли ҳуқуқий онгини ошириш учун чоп этилган қўлланма ва рисолалар

### "Судга мурожаат қилиш тартиби" рисоласида




Республикамиздаги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича, иқтисодий ҳамда маъмурий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳамда суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, қарор, ҳукм ва ажримлар устидан шикоят қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, судга мурожаат қилишга оид ҳужжатлардан намуналар, давлат божи тўлаш тартиби ва бошқа шу каби маълумотлар ҳам акс этган.



**"Судьянинг мустақиллиги ва дахлсизлиги. Суд ишига аралашганлик учун жавобгарлик асослари"** қўлланмасида судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари борасидаги миллий қонунчилик ва халқаро тажриба, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, хусусан оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар, блогерлар ҳамда судья ва суд органлари ўртасидаги муносабатларда судьялар мустақиллигини таъминлаш, судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик масалалари чуқур ўрганилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.



**"Тадбиркорлар ҳуқуқи суд ҳимоясида"** амалий қўлланмасида тадбиркорларнинг республикамиздаги иқтисодий судларга ариза ёки даъво аризаси билан мурожаат қилиш, ишларни кўришда иштирок этиш ҳамда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, судларга мурожаат қилишда, ўзаро ва давлат органлари ўртасида юзага келган низоларни қонуний ҳал этишда эътибор берилиши лозим бўлган муҳим жиҳатлар, йўл-йўриқлар, маслаҳатлар, судларда улар учун яратилган қулайликлар, ҳуқуқий имкониятлар, тартиб-қоидалар ҳамда бошқа шу каби фойдали маълумотлар оддий тилда, имкон қадар қисқа ва лўнда баён қилинган, ундаги тушунтиришлар ва шарҳлар турли жадваллар, инфографикалар ва мисоллар орқали ёритилган, зарур ҳужжатларнинг намуналари келтирилган.

# Ибрат мактаби



Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан чоп этилган “Уч машҳур ўзбек аёли” китобида ўзбек ҳуқуқшунослиги афсоналарига айланган Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восиқова, Ҳалима Мұхитдинованинг ибратли ҳаёти ва фаолияти архив материаллари, тарихий далиллар ҳамда замондошлари, шогирдлари хотиралари асосида очиб берилади. Уларнинг мамлакатимиз юриспруденцияси ривожига қўшган улкан ҳиссалари ҳақида батафсил сўз юритилади.

Мазкур китоб ҳуқуқшуносларга, шу соҳада мутахассис тайёрлайдиган барча таълим муассасалари талабаларига, илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчиларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



Машҳур ҳуқуқшунос, узоқ йиллар суд-ҳуқуқ тизимида самарали иш олиб борган 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, таниқли ва жамоат арбоби Алишер Мардиевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида "Муносиб яшамоқ баҳти" номли китоби Кенгаш ташаббуси билан нашр этилди.

Китоб ҳуқуқшунослар, шу соҳага эндиғина қадам қўяётган талабалар ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шунингдек, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## Судья ва суд фахрийлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида видео фильм суратга олиниб, марказий телеведения орқали намойиш қилинди



**Хуснора Ҳакимова** – 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, Олий суд судьиси, 15 йил судьялик стажига эга уч фарзанднинг онаси, «Ибратли судья» мукофоти билан тақдирланган.

**Парахат Айтниязов** – 1950 йилда Қарақалпоғистон Республикасида туғилган, 30 йилдан зиёд судьялик ва раҳбарлик лавозимларида ишлаган, "Қарақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони, "Суд фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган.



**Умсун Астанова** – 1932 йилда Жizzах вилоятида туғилган, 26 йил давомида Фориш туман судининг раиси лавозимида ишлаган, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" унвони, "Суд фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

**Миршариф Мелиев** – 1952 йилда Сирдарё вилоятида туғилган, 31 йил судья, суд раиси лавозимида ишлаган, "Суд фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган.



## Судларда Одоб комиссиялари ташкил этилди




Судьялар олий кенгаши, вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларда Одоб комиссиялари фаолият юритади. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатлари хузурида Судьялар одоб комиссиялари фаолият юритади. Судьялар олий кенгаши қарори билан **“Судьялар одоб комиссиялари тўғрисидаги Низом”**

тасдиқланди. Комиссия фаолияти судьялар томонидан Судьялар одоби кодекси қоидалари бузилиши ҳолатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида, интернет тармоғида эълон қилинган хабар ва маълумотларни ўз вақтида холис ўрганилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу борада судьялар малака ҳайъатларига кўмаклашади.

## Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари раислари малакаси оширилди

Судьялар олий кенгаши ва Олий суд ташаббуси билан барча вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари учун икки кунлик малака ошириш курслари бўлиб ўтди.

Курслар жонли мулоқот шаклида ташкил этилиб, унда судлар фаолиятини самарали ташкил этиш, тизимда коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини янада ошириш ҳамда судьялар томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, бу жарёндаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида ўзаро фикр алмашилди.



## Судьялар ўртасида шахмат мусобақаси ўтказилди

Судьялар ўртасида ўтказилган шахмат турнири финал босқичида 30 нафар (шундан 23 нафар эркак, 7 нафар аёл) судьялар ғолиблик учун дона суриши.

Мусобақа якунига кўра, эркаклар ўртасида

1-ўрин: Тошкент шаҳар маъмурӣ судининг судьяси Нурали Жавлиев

2-ўрин: Жиззах вилоят судининг судьяси Лутфулла Мамаражабов

3-ўрин: жиноят ишлари бўйича Нурафшон шаҳар судининг судьяси Алишер Нурматов сазовор бўлди.

Аёллар ўртасида

1-ўрин: фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг судьяси Шолпанай Абдижемилова;

2-ўрин: Урганч туманлараро иқтисодий судининг раиси Нилуфар Аллаберганова

3-ўрин: фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг судьяси Лола Сайдова қўлга киритди.



## Судьялар тиббий текширувдан ўтказилди



Судьялик вазифаларини талаб даражасида таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамида худудлардаги вилоят марказий шифононалари қошидаги кўп тармоқли поликлиникаларда барча судьялар тиббий текширувдан ўтказилиб, уларнинг соғлигини тиклаш чоралари кўрилди.

# Қайдлар учун



